



# Ўзбекистон

## АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН  
АДАБИЙОТИ ВА САНАТИ

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 22 октябрь, №43 (3529) ●

### ҲАҚИҚАТ МУНОЗАРАДА ТУҒИЛАДИ

Тарих зирвасига назар ташлар эканмиз, демократияга интилиш ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида асосий ҳаракатлантурувчи куч бўлиб келганининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, «Демократия» тушунчаси юнча «демос» — халқ ва «кратос» — куч, ҳокимият сузларидан келиб чиққан бўлиб, давлатнинг халқ томонидан, унинг иродаси билан бошқарилиши маъноларини англатади. Демократия — бу жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ифода этиш, иродасини амалга ошириш воситаси, ҳукмронлик қилиш ва бошқариш усулидир. У давлат ва жамият

ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз аксини топади. Фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, уларнинг ижодий, яратувчилик, айниқса, сивсий фаолияти демократия тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Айни мана шу ҳолатни биз бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб кузатишимиз мумкин.

Ҳаётда бир қонуният мавжуд — жамиятда юз бераётган ҳар қандай сивсий ёки ижтимоий жараёнлар зийлининг бевосита иштирокида амалга ошади. Бунинг мантқий изоҳи мавжуд, албатта. Зийли, у ҳоқ илм одами бўлсин, ҳоқ

### Демократия ва жамият

Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасини элга танитиб туришининг ҳождати йўқ. Чунки неча ўн йиллардан бери республикамиз аҳолисининг барча қатламлари бу нашрни севиб мутолаа қилиб келади: элني узига танитишдек шарафли ва масъулияти вазифа бу газетанинг асосий хизмат бурчига қиради. Собиқ иттифоқ давридаёқ Ўзбекистон табиатининг софлиги учун, она тилимизнинг мавқеи учун, миллий урф-одатлар, мумот адабиётимиз

### ИСТЕЪДОД ЁЛҚИНИ

1937 йил 13 июл куни қамоққа олинганда Усмон Носир ҳали йигирма беш ёшга тулиб улгурмаган эди. Аммо ўша йилнинг 27 январида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ижодий кеча шоирнинг чорак асрга қадам қўйиши муносабати билан уюштирилган эди.

Орадан кўп ўтмай, Усмон Носир «Боқ-часарой фонтани» дostonининг таржимо-ни сифатида А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиш учун Москвага борди. 26 март куни Ҳамза номидаги театр сахнасида у таржима қилган «Улуғ кун» пьесаси асосида яратилган спектакл намойиш этилди. Ҳали йигирма беш ёшга тулиб улгурмаган Усмон Носир шоир сифатида ҳам, таржимон сифатида ҳам катта эътироф қозониб, ўзбек ёзувчиларининг олдинги сафига утиб олди.



дулланинг айтишича, оташин шоир жуда кам ухлаб, кўп ёзган ва кўп ўқиган, ёзган шеърларини эса қўқонлик ҳамшахрига ўқиб берган. «Мен шунда Усмон Носирнинг чинакам талант эканлигига қойил қолган эдим», деб хулоса чиқарган Собир Абдулла.

Сиз қуриб турган сурат 1937 йилнинг 17 май куни Москвада олинган. Шу куни «Литературная газета» таҳририятида москвалик ёзувчи ва журналистларнинг ўқунлиқ қатнашчилари билан учрашуви бўлган. Газета фотомухбири Усмон Носир суратини шу учрашув пайтида суратга олган. Эндигина 25 ёшга қадам қўйган йигит бу суратдан ўйчан, ўткир нигоҳли, эс-ҳушини йиғиб олган, мақсад сари интилган киши сифатида қобиқ туради. Бу — Усмон Носирнинг арқинликдаги энг сунгги сурати.

Орадан икки ой ҳам ўтмай, Усмон Носир қамоққа олинди. Сурати ва мақола-си Москвадаги нуфузли газеталарнинг бирида босилган, Ватан ҳақидаги қуши-га шахсан Сталиннинг ўзи қарас қалган, ўқунлиқ ёзилган кейин эса ҳукумат қабулида Сталин билан қарийб юзма-юз учрашган шоирнинг қўйиши бир умрга ботди. У мустабид тузумнинг қурбонларидан бири бўлди. Бу тузум учун истеъдоднинг заррача ҳам қиммати бўлмаган.

Наим КАРИМОВ

### Маъна қазна

Усмон Носир ўқунлиқ кунлари Эски майдонда жойлашган «Шарқ уйи»да яшайди. Унинг паспортда бу ҳақда махсус қайд бор. Унга қура, шоир 17 майдан 6 июнга қадар ўша ерда истеъоднинг заррача ҳам қиммати бўлмаган. Уша кезлари Усмон Носир билан «Шарқ уйи»да тез-тез қуришиб турган Собир Аб-

### ЙИГИТЛИК БУРЧИ

Собиқ иттифоқнинг тарқалиши кезларидаги газета таҳлиллари ва рақобатининг, бир нарсага гувоҳ бўламиз — газетамиз саҳифаларида ўша йиллари совет армияси сафларида хизмат қилётган йигитларимиз ҳаёти, армиядаги бошбошдоқликлар, маънавий айнишлар турисида кўп ва хуб ёзилган. Биргина Карим Бахриевнинг «Ой бориб омон қайтмаган болам...» сарлавхали тадқиқот мақола-си жамиятда катта акс-садо берган эди.

Советларнинг Афғонистондаги уруши айни авжга чиққан пайтида буйи кун сайин қўзилиб бораётган ўғлига тикилиб... вужудини ваҳима чулғаб олаётган оналардан бири тахририятга мактуб йўллаб «Ўғлим воёга етаётганидан хурсандман, аммо эртаниндин унга ҳам повестка келиб, Афғонистонга олиб кетадими, деган хавотирданман» деб ёзгани эсимда.

Ҳалқимиз ҳеч қачон фарзандини, у ҳатто яққою ёлғиз ўғил бўлса ҳам ватан химосидан четда қолишини истамаган. «Йигитимсан, йигитлик бурчингни ўта, армиядан қочма, юзминни ёрга қаратма» деган. Аммо Афғонистон уруши бу муқаддас анъаналарга ҳам раҳна солди. Бир ота-она ўғилларини Афғонистондан олиб қолиш учун уни рухий касаликтан хастахонасига бири неча кунга ётқиздилар, тегишли кишилар тегишли хужжатни туғрилаб беришди. Вақти-соати келиб советларнинг афғон еридаги жанг ҳаракатлари тўхтади, қушинлар олиб чиқиб кетилди. Аммо рухий хастахонада ятиги икки-уч кун бўлган йигит бугун энди чинакам беомор. У собиқ империянинг сунгги қурбонларидан бири бўлиб қолди...

### Ватан носонлари қузурда

Советлар даврида уртаасийлик йигитларга ошкора паст назар билан қараш эди. «Булар ҳарбий техникани бошқара олишмайди, ақллари етмайди» деган ҳақоратомуз гаплар ҳеч тортинмасдан айтиларди ва йигитларимизнинг асарияти ҳарбий қурилиш қисмларида жавлон уришарди. Иккинчи томондан бошқа бир хавотир ҳам бор эди: С. Горорунин деган кинодан чиққан сивсий арбоб Москва телевидениеси экранидан туриб «Қараш керак, эътибор бериш керак, бу кетишда армиямизни уртаасийликлар босиб кетаяди-ку» дегани ҳам ёзимизда...

Юз берган воқеалар муносабати билан жангчиларнинг жанговар тайёргарлик даражаси оширилган. Улар сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, юртимизнинг осойишталигини таъминлаш учун ҳар қандай топшириқни бажаришига шай бўлиб туришарди. Энг муҳими, жангчилар қайфиятида ишон ва қатъият сезилди. Амударёлик оддий аскар Рохат Турмонов, когонлик Уткир Хусенов, ҳонқалик Расул Рахимов, янгиқуруқлик Кахрамон Араббев, боғотлик Лутфулло Саъдуллаев, қорақалпоғистонлик Тағрат Бурутбоев ва бошқалар билан дустона давра қурамиз. Ҳазил-мутойиблар бошланади. Нима камчиликлар бор, деган саволимизга «Ҳаммаси жойида» деб жавоб қайтаришади. Аммо, бироздан кейин, ийманиб-тортиниб «Шу, халиги, шоирлар, санъаткорлар ҳам келишса... учрасан» дея сал жонланишади. Йигитлардан бири иккинчисига ишора қилиб «Орамингда шёр-пёр ёзадиганлар ҳам йўқ эмас» дейди. Бошқа биттаси лўқма ташлайди: «Артистлар келишса, уртадан чикмайди-ганлар ҳам бор...» Кулги кутарилади, солдлар ҳаётиндан олинган латифалар бошланади. Анвар Обиджон Олтирарқ ҳангомаларининг янгиларини айтиб, ичакларни узаёзди.

Учрашув сунггида биз давдай мулоқотларни бундан буён ҳам бундан эттиришига қарор қилдик. Тахририятга қайтган, миллий армиямиз жангчилари билан мунтазам учрашиб туриш режаларини туздик. Уларга шоирлар, ёзувчилар, санъаткорларни ҳам жалб этамиз. Аммо, бу учрашувлар бошқа учрашувлардан фарқироқ бўлади, расмий тақлифномалар тарқатилмайди. Ватан ҳимоячилари билан мулоқотда бўлиб туриш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зийлиларимизнинг виждон иши бўлиши керак.

Аҳмадجان МЕЛИБОВ

### ҲАМРОҲ ТАНАЛЛАШДА АДАШМАНГ!



«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини элга танитиб туришининг ҳождати йўқ. Чунки неча ўн йиллардан бери республикамиз аҳолисининг барча қатламлари бу нашрни севиб мутолаа қилиб келади: элни узига танитишдек шарафли ва масъулияти вазифа бу газетанинг асосий хизмат бурчига қиради. Собиқ иттифоқ давридаёқ Ўзбекистон табиатининг софлиги учун, она тилимизнинг мавқеи учун, миллий урф-одатлар, мумот адабиётимиз

ҳимояси ва тарғиботи учун изчил қурашган, қатагон қурбонлари хотирасини тиклашда савоб ишларга ўз саҳифаларидан мудом жой топиб келаятган газета эндиликда ҳам узининг ибратли анъаналарини давом эттираётир... Бу Сизга маълум, албатта.

Биз газеткларга фақат бир нарса — 2000 йил учун обуналар бошланган муносабати билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлишни эслатиб қўймоқчимиз, холос. Биз шу кунларда айрим нашрлар беришяётгандек «Йўқдан бор қилиш»ни ваъда беролмаймиз, бироқ борини курсатишга, асраб-авайлаб хонадонингизга олиб киришга ҳаракат қиламиз.

Сиз ва оилангиз учун гузаллик ва турфа маънолар оламага йўл очадиган.

**ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИГА ОБУНА БУЛИНГ!**  
НАШР ҚЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭСЛАТАМИЗ:  
— яққа обуначилар учун — 222  
— ташкилотлар учун — 223

### БАСТАКОРНИНГ УМР ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда танилиб бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхонов ижоди билан таниш бўлмаган кишини топиш қийин бўлса керак. Негаки, устоз санъаткор узоқ йиллар давомида санъаткорлар халқимизга сийдиқдидан хизмат қилиб келмоқда. Унинг қўллаб асарлари, хусусан романс ва кантаталари, хор ижроси учун ёзилган асарлари, «Алишер Навоий» операси ва бошқалар аллақачон мукаса маданиятимизнинг ноқир хазинасидан ҳай олган. Утган йил республикамиз Президентининг Фармони билан Мутал Бурхонов «Буёқ хизматлари учун» орденига сазовор бўлди.

Истеъдодли бастакор босиб ўтган йўл, унинг серқирра ижоди санъатшунос олимлар, тадқиқотчиларни ҳам кўпдан қизиқтириб келади. Яқинда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Ўзбекистон мадҳияси мусиқаси муаллифи Мутал Бурхонов ҳаёти ва ижод йўлларига бағишлаб ёзилган янги китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тошкент давлат Консерваторияси профессори, санъатшунослик доктори Наталья Янов-Яновская қаламига мансуб бу китоб «Мутал Бурхонов — вақт, ҳаёт, ижод» деб номланади ва унда бастакорнинг серқирра ижоди илмий асосда теран таҳлил этилади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жураев қатнашиди ва нутқ сузлади.

Ўз ахборотимиз

### ШОПЕНГА ГУЛДАСТА

1999 йил ЮНЕСКО ҳамжамияти томонидан буюқ поляк композитори «Фридерик Шопен йили» деб эълон қилиниши мусиқа шинавандалари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Шопен ўз ватанининг ҳақиқий фидойисидир. Композитор ижодида поляк халқининг миллий-озодлик учун кураш мавзуси етакчи урин тутади. Унинг мусиқаси ватанининг ҳаёти, тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ.

Фортепиано мусиқаси Шопен ижодиётида узининг юксак нуқтасига эришди. Зеро, унинг ижод маҳсули бўлиши 2та концерт, 3та соната ва турли камер асарлар бундан далолат беради. Айнан шу соҳада у узини миллий ижодкор сифатида курсатиб, жаҳон мусиқасига улкан таъсир курсатди.

Ватанимиз мустақиллиги даврида Шопен ижоди кенжа авлод санъаткорлари С. Гофу-

рова, У. Полвонов, Г. Алимова ижроларида янада сайқал топмоқда.

Шопен ижоди ҳақи қирралари билан эътиборни узига торти экан? Бу ҳақда Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, профессор О. Юсупова қуйидагиларни таъкидлайди: «Менинг ижрочилик фаолиятимда Шопен асосий уринини эгаллайди. Шопен шундай нозиктаб ва одамийлик, унинг бу хусусияти улкан таҳсин ва ҳурматга лойиқ. Композитор ижодиёти бу — чексиз сир-асордир».

Халқаро курик-танловлар совриндори С. Гофурова «Шопен ижодидаги нафислик, майинлик ва гузаллик лирикисининг мардонор олижаноблик, тантанаворлик хусусияти билан бирикмаси, шунингдек унинг оддийлик ҳислати мени ҳайратга солади», дейди.

Шу йилнинг 22 — 26 октябрь кунлари буюқ композитор вафотининг 150 йиллиги муносабати билан республикамизда биринчи марта «Шопенга гулдаста» номи остида йирик мусиқа фестивали ўтказилиши қўзланган. Анжуман дастуридан турли концертлар урин олган. Шу билан бирга фестивал доирасида М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваториясида 24 ноябр куни илмий анжуман бўлиб ўтади. Ушбу анжуманда санъат арбоблари, ўқитувчилар ва талабалар қатнашадилар. Унда Шопен ижодида бағишланган қатор илмий маърузалар тинглангани кўзда тутилмоқда.

Ушбу фестивал Ўзбекистон мусиқа санъаткорлари зиммасига улкан масъулият юқлайди ва республикамизнинг маданий ҳаётига узига хос янгилик олиб қиради.

**Зулфизар АБДУЛЛАЕВА,**  
Тошкент давлат Консерваторияси талабаси

### КУТУБХОНАЧИЛАР АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 11—15 октябрь кунлари Самарқандда кутубхоначиларнинг «Фан, таълим, маданият ва бизнесда кутубхона ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишининг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси, Республика Маданият ишлари вазирилик, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликнинг «Узинкоммарказ»и ҳамда Американинг Халқаро кутубхоначилик ахбороти ва таҳлил маркази ташкилотчилигида ҳамда республикамизда фаолият курсатаётган «Сорос» фондидининг халқаро очик жамият институти ҳомийлигида ўтказилди.

Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган ушбу анжуманда 10дан ортик хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларининг 50га яқин мутахас-

сислари, республикамиз кутубхоналарининг 200дан ортик раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Бир hafta давом этган анжуманда 100га яқин маъруза тингланди ва шулар асосида анжуманинг тавсиялари, тақлифларини ўз ичига олган яқуний хужжат юзага келди.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи уринбосари О. Матқубов, Самарқанд вилояти Ҳокимининг уринбосари А. Маматов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ҳамда республикамизда фаолият курсатаётган «Сорос» фондидининг халқаро очик жамият институти ижрочи директори А. Делетрозлар иштирок этдилар ва нутқ сузладилар.

Ғ. НАРЗУЛЛАЕВ

### «ОМАД» КОШОНАСИ

«Хуромад» мустақиллик йилларида тилимизда шакланган янги сўз, яъни у хуррият боис омад бизга ёр бўлди, деган маънони билдиради. Аслида ҳам шундай. Хурриятимизнинг илк йилларида пойтахтнинг Чорсу майдонига савдо тармоқларидан иборат бўлган кичик қорхона бугун масъулияти чекланган йирик жамиятга айланди.

Бунга аҳоли талаб ва эҳтиёжларини яхши урганиш, элга беминнат хизмат курсатиш, унинг раҳматини олишга астойдил интилиш орқали эришилмоқда. Шу сабабли «Хуромад»нинг ишлари юришиб, хизмат курсатиш қўламини ва микроскопи йил сайин кенгайиб бормоқда. Янги-янги савдо имшоотлари ишга туширилиб, улар пойтахт қиёфасига гузал чирой бўлиб қўшилимоқда.

Яқинда «Хуромад»нинг «Чорсу» меҳмонхонаси ён томонида жойлашган янги мухташам кафе-ресторан тарзидаги «Омад» маросимлар уйини фойдаланишига топшириш тадбири бўлди. У Авллар йилига бағишланган давра йигини билан бошланди. Қадимий Чорсу майдони атрофидаги мезморий обидалар ва осмонулар гузал иморатлар ансамблини бойитган маросимлар уйига атроф маҳалларининг кекса онахонлари, фозила ва оқила авллари, фаол хотин-қизлар таширф бюридилар. Бир пиёла чай устидаги суҳбат, санъаткорлар ижросидаги мусиқа ва қўшиқ, уста қизқичлар талқинидаги кулгулар шу оқшом куни Чорсу майдонига ажиб файзу тароват бағишлади. Авллар йилига бағишланган кечани таникли шоир Нормурод Нарзуллаев олиб борди. Пойтахтнинг Шайхрехтохур тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким уринбосари Саида Жалилова, фахрий онахонлардан Дилором Сайдалиева ва бошқалар ўз сузларида юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, ободончилиги, мустақил Ватан авлларига курсатилётган эътибор ва гаумуриликлар ҳақида тўққинлаб сузладилар, юртобимизга ўз миннатдорчиликларини баён этдилар. Айни пайтда шу атрофдаги қўна «Чарқ», «Чорсу», «Қоратош», «Темирчи» маҳаллалари урнида қад кутарган янги кўп қаватли уй-жой мавзеларининг авллари «Хуромад» уларга кўп йиллардан бери беминнат хизмат курсатиб келаяётганидан беҳад мамнун эканликларини изҳор этишди. Жамият раиси Абдусаттор Исмоилов ҳаммиша эл хизматига камарбасталик қилиб, хайрли ишлари билан одамларнинг раҳматини дуоларига сазовор бўлаётган мард тадбиркорлардан бири эканини эътироф этишди.

«Омад» узининг илк қадамини, фаолиятини авлларини, оналарини йиллига бағишланган ана шундай аjoyиб тадбир билан бошлади. Онахонлар «Омад»га оқ йўл тилашди. Энди унинг эшиклари эртдан кенгача ҳамма учун — пойтахтнинг меҳмонлари ва дилкаш гурунлар шайдолари учун ҳаммиша очик. «Омад»га марҳамат!

**Ўз ахборотимиз**

### ХАЛҚАРО МУСИҚА КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Сунгги йилларда бу жамоага Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Ғани Тулаганов ва Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Аҳад Ҳамидов бошчилик қилиб келмоқдалар. Студия яқинда Германиялик меҳмонлар учун махсус концерт бериб, катта муваффақият қозонди.

15 октябрь — Халқаро мусиқа куни ҳамда мавсумнинг очилишига бағишлаб ўтказилган концерт эса санъат ихлосмандлари учун чинакам байрамга айланди. Унда М. Тожиевнинг оркестр учун «Байрам увертюраси», С. Юдаковнинг «Алҳор» поэмаси ҳамда мухташам асар — Л. Бетховеннинг 9-симфониясидан 4-қисми ижро этилди. Маскур асарни ижро этишда яққохлар сифатида Алишер Навоий номидаги театр онаданлари Ўзбекистон халқ артисти К. Муҳиддинов, Ўзбекистонда хизмат курсатган артистлар О. Александрова, Г. Азизова, Ю. Жанов сингари етакчи санъаткорларнинг қатнашиши концертта кўрк бахш этди.

Жамоанинг бадий раҳбари ва бош дирижери Ғ. Тулаганов концерт дастури ҳақида шундай деди: «Хар йилги анъана тусига кириб қолган бу тадбирни биз байрам сифатида қарши оламиз. Шу боис унинг бу йилги дастурига жаҳон классиги Л. Бетховеннинг 9-симфониясини киритдик. Бинобарин, замонамизнинг классикларидан бўлиши М. Тожиев асарининг киритилиши ҳам табиий ҳол».

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**  
Мусиқашуносу

# ҲАКИҚАТ МУНОЗАРАДА ТУҒИЛАДИ

(Боши 1-бетда.)

марказида бўлади. Мазкур фикрлар гоё даражасига кўтарилиб, ёзувчи, мусаввир, олим, архитектор ёки санъаткорнинг ижодий фаолияти натижасида бадиий тилсиз тарзида дунёга келади ва оддий инсонлар қалбига кириб боради. Бироздан сунг бу гоё кўпбал одамларнинг маънавий мулкига айланади. Уларнинг борлиги ва ихтимолӣ воқелик ҳақидаги тасаввурларини янгилайди.

Жамиятимизда поклиниш жараёни давом этмокда. Бу, албатта, тарихдаги маълум бир қадриятларга суняган ҳолда амалга ошириладиган жараёндир. Масалан, XX аср бошларида яшаб, уш фаолиятида миллий озодлик гоёсини байроқ қилиб банд кутарган жадид зиялилари ҳаёти ва ижодини урганши, уларнинг сиймосини абадийлаштириш буйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмокда. Пойтахтнинг энг йирик туманларидан бири бўлган Юнусобод марказида «Шаҳидлар хибони»нинг бунёд этилиши ҳам ана шу эътиборли тадбирлардан биридир. Урни келганида шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, биз жадид зиялилари ҳақида фикр юритганимизда биринчи галда Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Суғизоода ва бошқа бир қатор шоир ва ёзувчилар сиймоси куз олдимизда гавдаланади. Лекин улар билан бир қаторда туриб, эл олдида ҳақиқатни баралла сузлаган Убайдулла Ҳужаев, Мустафо Чўқай, Файзулла Ҳужаев каби йирик намоёндалар ҳам бор эдики, жадидчилик ҳаракати ҳаётнинг турли жаҳаларини ўз ичига қамраб олганининг гувоҳи бўлмади. Замонасининг етуқ зиялиси Маҳмудхуҷа Бөхбўдийнинг давлат курилиши ва бошқарувиға доир бир қатор асарлари бизга ячши маълум.

Бөхбўдий эл дарди, миллат тақдирини унинг кайгуриш туйғуси билан ясади. У миллий давлатчилик гоёсини ёқлаб қичиб, замонасиндаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритади ва уларни ўчга бўлади:

1. Идораи мустақла (идораи мутлақа — монархия).
2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият).
3. Идораи жумҳурият (Республика).

Бөхбўдий бу идора усуллариини шундай изоҳлайди: «Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиб иштиер ва ҳар бир ройи ва амри зақун ва низом буладур. Амри, ҳукми, ройи ноғиз (қонун)дур. Кул остидаги барча масжидлар, маслаҳатхоналари иттифоқи, хоҳиши, ҳукми ушал императорни мустаҳкам қилиш имзоасига мавуқдур. Шундай императорларни янидан мансуб булуши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одалтар буйича мерос ёнки валиҳақлик қондилари ва ушал ҳукуматни қўйган «тартиб ва тадбирға мувофиқ буладур».

2. Идораи маршрута — «...бу ҳукуматга тобе одалар аксар аҳли илм ва ҳунардулар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларға тараққий қилгандурки, шул тариха фуқаролари ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни узларига катта ва бошқаруви вакил сайлайдулар ва шул тариха сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларға тамалятдорлик ишларига аралашиб, машварат ила тузатилмок ва муҳофизат қилинмоқига куз бўлмоқлари учун қарор берадуруқ, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини «Миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламенту», «гу-сударски Дум», «Мажлиси синодий» (сенат мажлиси), «Эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қилинадуру. Яна баъзи наслахатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладуру.

Ушбу миллат мажлисининг(нг) чилон(аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишларига аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатурган ишларига аралашувору...

3. «Идораи жумҳурият...» аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли доноши аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донашиманд, одамни бошлиқ сайлайдуруқларки, «райси жумҳурият», «садришини миллат», «президент» аталадуру... Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва куйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисининг(нг) қилиб берган дастуруламаб, яъни қонун ва низомларига мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ бир қилидуру. Ҳар бир ишга Миллат мажлиси ҳукмиға тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини урнига келтирувчидур.

Мустақил ҳумдорларни(нг) қул остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордуру. Илмсиз ҳукуматлардек неча миллион халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам (подшоҳ)ни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмиға йўқдуру. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила у нафар аросида а қадар фарқ бордуру? Ушбу сабаблардандуруқ, озгина Оврүпо халқи бутун кураи арға ҳоким ва мутасарриф (эга)дурулар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдуру».

Келтирилган парчанинг узиёқ асримиз бошларида жадид зиялиларнинг давлат курилиши ва бошқарувининг илмий асосларига, жамиятда демократик таомилларнинг равнақ топишиға нақадар катта аҳамият берганини кўрсатади.

Яқин ўтмишға назар ташласак, собиқ шуролар мафкурасида «Демократия — бу мусаян синфнинг манфаатларини ифода этиш...» — деган талкин мавжуд эди. Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат бу қарашдан тубдан фарқ қилиб, бунда ҳар қайси тоифага мансуб бўлган фуқаронинг манфаатлари кузда тутилади. Ваҳоланки, ҳақиқий демократия ҳукм сурган жамиятда ҳеч бир инсоннинг манфаатлари иккинчи даражали бўлиши мумкин эмас. Бунда миллати, жинси, динга муносабати, дунёқарашидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи давлат томонидан тўла қафолатланади.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда демократиянинг яна бир сифати — куппартиявий сиёсий тизим намён бўлиб, ҳаётимизга тобора кенг кириб келмокда. Сайлов жараёнида сиёсий партиялар билан бир қаторда ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодларнинг кўрсатилиши ҳам ҳеч қайси фуқаронинг манфаати четда қолмаслигини таъминлашға хизмат қилади. Донулар айтганларидек, «Ҳақиқат мунозарата тугилади». Ма на шу ҳавтбахш мунозарани олиб бориш жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи сиёсий партиялар зиммасида ётади. Сайловлар натижасида дунёга келадиган янги Олий Мажлис қошида тузиладиган фракциялар айти ман а шу ҳавтбахш мунозарани олиб бориб, умумий мақсад сари элтувчи ягона тўғри йўлни яратадилар.

Демократия қилишлик жамияти тараққийнинг маълум даврида вужудга келади. Жамиятнинг демократияға етишиши халқнинг тайергарлик даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун фуқароларнинг ўз ҳуқуқи ва бурчларини билиш, англашлари, ўз фаолиятлари билан мамлакатда қонун устиворлигини таъминлашлари зарурдир.

Рустам ШАРИПОВ,

Тошкент Давлат юридик институтининг доценти

Ҳар бир халқнинг тарихида ўз урни ва хизмати бўлади. Шуро тарихчилари халқларнинг тарихи олдидаги хизматини ҳамма рус халқи фойдасига ҳал қилиб келишган. Аслида эса, улкан мамлакатнинг улкан тарихида ҳар бир халқнинг ўз тарихий хизмати бор.

Шуро тарихчилари ва назариячилари чоризм томонидан Туркистоннинг босиб олинишини яширишар экан, бу билан улар уларни олиб бораётган сиёсатнинг туб моҳиятини ҳам яширишга уринганлар. Чунки, коммунистлар Туркистонга инқилобий тенглик олиб келди эмас, аксинча, улар бу ерда чоризм мустамлака сиёсатини замонавийлашган ва ўта сиёсийлашган шаклда давом эттиришганини мустақилликдан кейин ёруглик кураётган ҳужжатлар кўрсатмокда. 1941 йил «Туркистоннинг босиб олинишини» «кўшиб олиниши»га айлантитар эканлар, шуро тарихчи ва назариячилари чоризм мустамлакачилигини талқиқ қилиш — бу шуро мустамлакачилигини талқиқ қилиш билан барабар эканлигини англашган. Чунки, ҳар иккала тузум мустамлакачилик шакл-шамойили, мақсад-моҳияти билан бир-бириға шу даражада яқинки, уларнинг қай бирини таҳлил қилманг, иккала тузумнинг ҳам мустамлакачилик қиёфаси фош бўлаверади. Биз ҳар иккала мустамлакачиликка ҳос бўлган ҳолатларни қиёслаш орқали, шуро тузуми чоризм мустамлакачилигини давом эттиргани ва ўзининг бу қонли сиёсатига 1991 йилга қадар амал қилиб келганини кўралик.

Ана шу сиёсатларнинг биринчиси, Туркистонга Россиядан аҳолини кўчириб келтириш билан ифодаланса, иккинчиси, минтақимизда пахта етиштиришдан кузланган мақсадда намоён бўлади.

Албатта, бугун ҳар иккала масала ҳам маълум маънода урганлик. Лекин, ҳар иккала тузумнинг ана шу икки ҳолатини қиёс қилувчи янги-янги ҳужжатлар юзага чиқаяптики, улардан куз юмиб бўлмайдими. Тарихий ҳужжатларни варақлар эканми, ҳатто ўз императорини отиб ташлаган, эксплуататорларға, задогонларға ўз нафратини баён қилган шуролар ҳам асло император Пётр орзу қилган Ҳинд океаниға чиқиб режасидан оз кечмаганлиги авн бўлади. Бу тельба истақ йўлида замонавий сиёсатнинг барча усулларидан фойдаланилган. Агар тарихни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, Шуро кўшинларининг 1978 йилда Афғонистонга киритилиши тағдиҳам ҳам ана шу истақ жазаваси ётганини кўралик.

Биз ҳар иккала тузумни қиёслаш эканми, чоризм ва шуро истибодоти шаклининг, тадбирларининг, сиёсий усулларининг бир хиллигиға гувоҳ бўламиз.

Рус мустамлакачи тарихи бошқа мустамлакалар тарихи билан тубдан фарқ қилувчи жиҳатларға эгаки, истибодонидан бу хил шакли ҳали жаҳон тарихида камдан-кам ўчрайди. Шулардан бири аҳолини кўчириш сиёсати бўлиб, ҳали ҳеч бир мустамлака, Америка қитъаси кашф этилгач, янги дунёға бойлик ва фаровон турмушини орзу қилиб ёпирилиб турган испан ва инглизларни истисно қилсак, ўзига тобе бўлган ерларға бу қадар қўп аҳолини мажбурий кўчириб борган эмас. Рус империяси ва мустамлакачилик сиёсатининг отаси Пётр I Россияни кудратли денгиз ва океанлар давлатига айлантириш йўлидаги орзуларининг унинг ворислари қадамбақадам амалга оширдилар. Пётр I Ҳиндистонни элбиз этиш орқали Рус империясини афсонавий Ҳинд океани ва Форс кўрфазига чиқаришни, шу орқали дунёдаги энг кудратли империяға айлантиришни орзу қилган эди.

Екатерина дарвининг оҳирида мустамлакачилик давраси яна рус сиёсатдорларини ўз қонини тортиди. XIX асрининг 50-йилларига келиб Сибир, Кавказ, Азов денгизи қирғоқлари, Шимолий Козогистон, Шарқий Дашти Қилпоқ руслар қулуга ўтди. Босиб олинган ҳудудларда рус аскарларининг изидан зудлик билан аҳоли кўчириб келтириля бўшланди. Аҳолини кўчириш дастлабки даврларда империя учун хавфли табақа ва халқларни кўчириш эвазига амалга оширилган. XIX аср бошида Сибир, Шимолий Козогистон, Германия, Польша, Болтиқ бўли немисларининг катта қисми кўчирилди. Немис халқи меҳнатсеварлиги ва ердан янчи фойдалана олиш туйғали улар кўчиб борган масканлардан рус империяси ўз кутган натижаларини ола бош-

лади. Оқибатда Туркистон генерал-губернаторлигиға асосан русларни кўчириб келтириш бошланди. Империя фақат ўзига тобе ерларға эмас, балки, ярим мустамлака ҳисобланган Бухоро амрлиги, Хива хонлиги, Шимолий Эронда ҳам рус қишлоқларини барпо қила бошладик, бу Пётрнинг орзусини амалга оширишда муҳим таянч бўлиши кўрилади. Британия Ҳиндистонни босиб олғач, руслар томонидан Ҳиндистонға яқин ҳудудларға аҳолини кўчириб келтириш кўчайди ва бу ерларда насронийлик қишлоқлари кўриля бошланди. 1868 йилдан 1917 йилгача Туркистонға миллионлаб аҳоли кўчириб келтирилди, туб аҳолининг ерлари тортиб олинди, кўчиб келганларға етарлича имтиёз берилди. Бу ҳақда юзлаб ҳужжатлар бор. Ф. К. Гирсининг «Туркистон улқиси ҳақида ҳисобот», К. П. Кауфманнинг «Вашималари, Ҳарбий вазириликнинг, турли комиссияларнинг ҳисоботлари, 1868 йилдан 1917 йилгача Туркистон улқасига оид қонун ва қарорлар, Яна уллаб бошқа манбаларда бу сиёсат буртуб туради.

Туркистонни пахта ҳам айлани ва озиқ-овқат етказиб берадиган ҳудудға айлантириш қиёфаси

## ШҮРОЛАР ЧОРИЗМНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ ЭДИМИ?

Юқорида тилга олинган ҳужжатларда бу нарса аниқ-равшан баён қилинган. Ҳатто, айтиш мумкинки, чоризм давридаги ҳужжатлар шуро давридаги ҳаспушланмаган, барча нарса очик, мустамлакачилик нуктаи-назаридан ёзилган.

Аҳолини кўчириб келтириш чоризмиға биринчида мустамлакачилик сиёсатини ушлаб туриш учун керак эди. Чунки, чоризм Эрон ва Ҳиндистонға қилинажак юришлари учун Туркистон асосий плацдарм бўлиши кўзда тутилганди. Бу империянинг асосий режаси эди. Бироқ Британиянинг Ҳиндистонни эгаллаши бу режаға ҳалақат берди. Чоризм сиёсатдонлари гарчи Туркистонни буткул эгаллаб олган бўлсалар-да, маҳаллий халққа ишонмас, халқнинг кутарилишидан қўрқар, шу сабабли тобе ерларға иложи борича ўз сиёсатларини қўлловчи табақаларни кўчириб келтирдилар. Дастлаб, кўчиб келувчилар уч гуруҳға бўлиб, белгиланди:

1. Хизматни утаб бўлган аскарлар. Улардан хоҳлаган пайтда ҳарбий мақсадлар йўлида фойдаланиш учун алоҳида имтиёзлар билан Туркистонда олиб қўлишға ҳаракат қилинарди.
  2. 1861 йилги исплохотдан кейин қашшоқлашган, империянинг ичкарисида норозлиқ келтириб чиқариши мумкин бўлган «крепостной»лар ҳам Туркистонға «сафарбар» қилинларди.
  3. Ўз хоҳиши билан кўчиб келувчи рус деҳқонлари, заминдорларига солиқдан озод қилиш имтиёзи берилиб, омравиий равишда кўчиб келишға шарт-шароит яратилди.
- Аҳолининг бу даражада қўллаб кўчириб келтиришининг туб мақсадларидан бири шунда эдики, Пётр I васиятлариға қатъий амал қилувчи рус сиёсатдонлари пайти келиб Ҳиндистон ва Афғонистонда Британия билан тўқнаш қилишға тайергарлик куради. Шу сабабли, ҳар бир эгалланган позицияни ўз фуқаролари ҳисобига мустаҳкамлаб боради. Рус сиёсатчилари Британия билан Ҳинд океани йўлида тўқнашларига заррача шубҳа қилмасдилар. Шунинг учун ҳам аҳолини кўчириб келтиришининг стратегик аҳамиятини юқори баҳоладилар.

Бу фикримизни биз Худойёрхон ҳақидаги ушбу ҳужжат билан асослашимиз мумкин. Қўқон хони Худойёрхон Лондонға, қиролича Викторияға ёрдам сўраб боргани ва қироличанин ёрдам бериш ҳусусида ваъдасини олиб қайтгани, Худойёрхон ани пайтда Бомбейдан ёрдам кутиб ётгани ҳақида Ҳуд-МАДА ҳужжат бор. Ушбу ҳужжатда келтирилган далилларнинг ҳаққонийлиги ёки уйдирмалигидан қатъий назар, у шунини кўрсатадики, чоризм маҳал-

### Марш ва тақдир

лий аҳолиға ҳеч қачон ишонмаган ва айнан шу ишонсизлик туйғали аҳолини кўчириб келиш сиёсатини кенг миқёсда олиб борган.

Ана шу узоқни кузланган мақсад Туркистонни пахта хомашеси етказиб берувчи колонияға айлантиришға асос берди. 1880 йиллар бошиға келиб Россиянинг ижтимоий-сиёсий обрўси тушиб кетди. Европа АҚШдан пахта келтира бошладик. Рус маҳсулотлари жаҳон бозорига ўтмай қолди. Оқибатда чоризм Россияни Туркистонни пахта ҳам айлани етказиб берувчи асосий улқаға айлантиришни шу орқали жаҳон бозорига қиқшини режалаштирди. Улкадаги энг сара, серхосил ерларда пахта етиштириля бошланди. Ҳатто, генерал-губернатор Кауфман 1870 йиллар Оҳирода ўзининг икки чиновини Бродский ва Самолёвскийларни икки йилга Техасға — Америкаға пахта етиштиришни урганиб келишға жунатди. Чунки, Туркистонда пахтанинг Америкаға навини етиштириш режалаштириляб-ган эди. Америка нави дастлаб хизматдан озод қилинган аскарларға бўлиб берилган ерларға экиля бошланди. Чунки энг сара ва серхосил ерлар ана шуларға берилган эди.

Пахта Чор Россияси учун нафақат жаҳон бозорига чиқиб ўтин, балки, Ҳиндистон ва Эронға қилинадиган ҳарбий юришлар учун ҳам сув ва хаводек зарур эди.

Бироқ Пётр I нинг орзуси яна барибир амалға ошмади. Йирик капиталистик санаотға эгэ Британиянинг Афғонистондаги мағлубияти туркистоннинг Эронға бостириб киришини орқаға сурди. Оқибатда Ҳиндистон ва Эронға қилинадиган юришлар учун кўчириб келинган аҳоли Туркистон улқасида маҳаллий халқ бўлибидиға мустамлакачилик сиртмоғи бўлиб қўлиб кетди.

Большевиклар ҳам ҳокимият тепасига келган қунларидан бошлаб чоризмнинг аҳолини кўчириб келтириш сиёсатини илчил давом эттирди. Ана шу «мехрибонлик»ларнинг оқибати улқароқ, халқимиз 130 йил мустамлакачилар қанглида қўлиб келди.

Чоризмнинг Ҳинд океаниға қиқишға уриниши ва режанинг барбод бўлишидан чиқадиган ҳулосалар жуда қўп. Шунини алоҳида таъкидламоқчиликки, бу ҳулосалар биз учун ҳам катта сабоқ бўлади. Зеро, биз озодлиқни, ҳурликни мустамлака сабоқлари орқали қўпроқ англаймиз. Хуррият дунёдаги энг бебаҳо ва беқиёс бойлик эканлигини ҳис қиламиз.

Пётр I орзуси шунинг учун амалға ошмадики, рус империяси Туркистон халқларининг кудрати, кучи, ички қатъияти, ватанға бўлган меҳр-муҳаббати билан ҳисоблашмади. Халқимиз мустамлакачилар ўзларидан қалқон сифатида фойдаланишға йўл қўймади. XIX асрдаги чоризм истибодотиға қарши қаратилган қўзғолонлар, ярим мустамлака ҳолатида бўлса-да, Бухоро ва Хиванинг мустақил бўлиб туриши чоризмға ўз режаларини амалға оширишға ҳалақат берди. Унинг асосий мустамлакачи кўшинларини ҳолдан тойдирди.

